

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Ишлар бошқармаси бошлиғи

Д. Юлдашхужа

« 18 » 11/01 2022 йил

“ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ” китоби матнини таҳрир қилиш, мусахҳих хизмати ҳамда ўзига хос оригинал макети, дизайнини тайёрлаш ҳамда чоп этиш бўйича нашриётлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш ва харид қилиш ҳужжатлари.

Тошкент-2022 йил

0. Махмуров (Д. Юлдашхужа)

Турғунмуродов К.

1  
(А. Муҳаммад) Шайхон

(Б. Арнегов) Арнегов

(Б. Рўзмартов) Рўзмартов

Умар Дамани (Ш. Муҳаммадов) Ш. Муҳаммадов

## МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини қўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Наъмунавий Шартнома лойиҳаси

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт вазирлигини  
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЭЪЛОНИ**

**Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш иштирокчиларининг таклифлари танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган танлаш <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник хусусиятларига доир энг яхши таклифларни бериш бўйича танлов.

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti:** 1300 дона китоб , 1дона китоб учун 100 000 сўм, жами суммаси 130 000 000 сўм.

**Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** буюртмачининг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республкасининг миллий валютаси.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади қолган маблағ берилган иш бўйича далолатнома ва ҳисоб фактурага асосан тўлаб берилади.

**Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги биноси. Манзили:, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 45А уй.

**Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** Ишлар бошқармаси , тел.: (71) 232-64-66. Манзили: 100017, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 45А уй.

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан <https://etender.uzex.uz/> электрон манзилида белгиланган мудатларда топширилади.

## Техник хусусиятларига доир талаблар

**“ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”** китоби  
матнини таҳрир

қилиш, мусахҳих хизмати ҳамда ўзига хос оригинал макети ва дизайнини тайёрлаш ҳамда чоп этиш юзасидан нашриётлар ўртасида танлов эълон қилинади.

Унга кўра:

### **Китобнинг афзаллигини таъминлаш:**

- *Китоб дизайнининг ўзига хослиги ва ўқишга қулай бўлиши;*
- *4500 дан ортиқ иқтисодий атамаларнинг таҳрири;*
- *Айрим атамалар лексографик изоҳларининг кенгайтириб бериши;*
- *Изоҳларнинг содда ва оммабоплигига эришиши.*

### **Креативлиги:**

- *Электрон шаклини яратиши;*
- *Амалиётда қўлланилаётган янги терминларнинг киритилганлиги;*
- *QR-код орқали китобнинг электрон шаклини ўқиш мумкинлиги;*
- *Алфавитнинг ҳар бир ҳарфи учун QR-кодни алоҳида ўрнатиши;*
- *Ҳар бир ҳарфнинг моҳиятини очиб берувчи рамзлар ва мақолларнинг қўлланилганлиги.*

### **Талаблар:**

- Бичими: 70x100 1/16. Саҳифаси: 416±20 бет. Ички матни: 2+2 (к+pantone) рангда, 80 гр. офсет. қоғозда. Муқова: 7Б. қаттиқ. ПНЛ + маҳаллий лок + тилла рангли зарбосма билан тайёрланади.
- Китоб нархи 1 дона учун \* 100.000 сўм;
- Жами китоблар сони 1300 дона;

Нашр этиш муддати 10 кун.

## II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

### Мажбурий шартлар:

А) Вазирлик томонидан талаб этилаётган китоб нашри хизмат кўрсатувчи мутахассислар ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатишни кафолат бериш.

Б) Иш сифатсиз бажарилган тақдирда барча нуксонлар ва унинг асоратлари хизмат кўрсатувчи томонидан бартараф этилади.

В) Энг яхши таклифлар танловида иштирок этиш учун ариза тақдим қилиниши керак (3-илова), хизмат кўрсатувчи ҳақида қисқа маълумот кафолат хати кўринишида (4-илова), малакавий мезонларни баҳолаш тартиби (5-илова)

### Эслатма:

Шартнома бўйича хизмат кўрсатиш қийматини ҳисоблаш суғурта харажатларини, солиқларни, йиғимларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, шу жумладан ишларни бажариш доирасида юзага келадиган барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. шартнома.

Ишларнинг нархи техник топшириқда, иш жадвалида кўрсатилган барча ишларни ўз ичига олади

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**АРИЗА**

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) хизмат етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган хизмат турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид килиш ҳужжатларига мувофиқ хизмат етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамыз. Шу муносабат билан танлаш <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали қуйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Малака ҳужжатлари \_\_\_\_\_ варақда (*брошюра, буклетлар тақдим этилганда варақлар сони, компакт дисклар тақдим этилганда уларнинг сони кўрсатилади*);
2. Таклифининг техник қисми;
3. Таклифининг нархга оид қисми;
4. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиши талаб этилади*).

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.Ў.

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

### **КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу хизматни етказиб бурувчи (хизмат кўрсатувчининг номи кўрсатилади номи кўрсатилади):

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.Ў.

### Малакавий баҳолаш мезонлари

Малакавий баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги	Мавжуд/мавжуд эмас ( <i>иштирокчининг кафолат хати ва тақдим этилган маълумотлар асосида баҳоланади</i> )	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
2.	Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди	Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
3.	Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди ( <i>иштирокчи маблағларининг йиллик айланмаси суммаси танлашнинг бошланғич қиймати суммасидан кам бўлиши мумкин эмас</i> )	Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
4.	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатлари	Ҳа/йўқ ( <i>иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади</i> )	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
5.	Иштирокчининг буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришганлик	Ҳа/йўқ ( <i>иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади</i> )	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
6.	Инсофсиз ижрочиларнинг	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш



	ягона реестрида кайд этилганлик		савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
7.	Олий талим мутахассислик бўйича дипломга эга бўлиши	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
8.	Қўшимча лицензия, диплом, сертификатларга эга бўлишлиги	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

### III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

3.1. Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланиши лозим. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.3. Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

3.4. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилида таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.5. Буюртмачи танлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

3.6. Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини танлаш <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали топшириши керак.

Тўпланда (техник қисмга оид ва нархга оид таклифлари) бўлиши керак.

3.7. Иштирокчининг таклифи харид комиссиясига танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича почта орқали ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали харид комиссиясининг масъул котибига қўлдан-қўлга тақдим этилади. Таклифлар <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали электрон тарзда қабул қилинади.

3.8. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф иккита қисмдан ташкил топади:

1) техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос бўлиши ва таклиф этилаётган, хизмат кўрсатиш ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттириши керак;

2) нарх қисми танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ҳамда қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- хизмат тури;

- етказиб бериладиган хизматнинг 1 ойлик нархи;

- жами қиймати;

- тўлов шартлари;

- таклифни амал қилиш муддати;

- қўшилган қиймат солиғи баҳоси ва ҳ.к.

Танлаш таклифи қуйидаги усулда расмийлаштирилади:

Электрон тарзда <https://etender.uzex.uz/> электрон манзили орқали ;

техник қисмга оид таклиф;

нарх қисмига оид таклиф.

Жўнатилган тижорат таклифида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- танлаш предметининг номи;

- иштирокчининг номи ва манзили;

- буюртмачининг номи ва унинг манзили;

3.9. Техник қисм таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 6-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган Хизмат кўрсатувчи учун техник таклиф ва техник хусусиятларига доир талабларнинг қиёсий жадвали;

3.10. Танлаш иштирокчиси таклифининг техник қисми муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.11. Танлаш таклифнинг нарх қисми ички электрон ҳолда ва харид қилиш ҳужжатларини 7-иловасидаги шаклга мувофиқ нарх таклифи ва нархлар жадвали тақдим этилади.

3.12. Нарх таклифи ва нархлар жадвали муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.13. Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари электрон таризда жўнатилиши, сақланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.14. Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар қўриб чиқилмайди.

3.15. . Иштирокчиларни таклифлари жўнатилган техник ва нарх қисмига оид тижорат таклифларини қўриш жараёни буюртмачи томонидан электрон таризда амалга оширилади.

3.16. Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

3.17. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

№ \_\_\_\_\_ -лот

### ТАНЛАШНИНГ ТЕХНИК ТАКЛИФИ

КИМГА: харид комиссиясига

#### Жаноблар!

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиқлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун (*таклиф этилаётган хизмат кўрсатишни тури*) кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва \_\_\_\_\_ миқдорларда етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган хизмат кўрсатиш мудатлари асосида хизматларни кўрсатиш мажбуриятини оламиз.

Бизнинг (\_\_\_\_\_) сўм \_\_\_\_\_ закат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Буюртмачи ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамыз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг таққослама жадвали \_\_\_\_\_ вақтда.
- - хизмат кўрсатиш марказининг функцияларини бажарувчи ва эҳтиёт қисмлар омборига эга бўлган ташкилот билан тузилган шартноманинг нусхаси ёки шартнома имзоланганидан кейин 30 кун ичида хизмат кўрсатиш маркази ва омборни ташкил этиш бўйича шайлигининг ёзма тасдиғи;
- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳ.к.лар, тўлиқ тавсифи берилган бошқа ҳужжатлар).

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахснинг имзоси)

\_\_\_\_\_  
(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими)  
М.Ў..

Сана: " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_

Таклиф қилинаётган хизмат кўрсатишнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали  
*Танлаш \_\_\_\_\_ (танлаш рақами ва санаси кўрсатилади)*

№	Параметр номи	Техник хусусиятларига доир талабларига мувофиқ кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич	Кафолат муддати	Изоҳ (мос/мос эмас)
1					
2					

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

## НАРХ ТАКЛИФИ

---

(Харид предмети номи кўрсатилади)

Сана: (танлаш таклифи берилган сана кўрсатилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, харид қилиш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиққанлигимизни маълум қиламиз.

Барча талабларни ўрганиб чиқиб, хизмат кўрсатишда қуйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиз:

- тўлов шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) муддатлари - \_\_\_\_\_;

Етказиб бериладиган хизматларни умумий қиймати \_\_\_\_\_ (танлаш таклифининг умумий қиймати сон билан ва ёзма кўринишида ҳамда тўловнинг валюта шакли кўрсатилган ҳолда бўлади) ташкил этади ва танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган нархлар жадвалида акс эттирилади.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб, 90 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат тугагунига қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши тушунамиз.

Сана: «\_\_» \_\_\_\_\_ 202 г.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва имзоси

М.Ў.

## **IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

4.1. Таклиф таъминоти таъминланмаган иштирокчиларни таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

4.2. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифлари малака танловидан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

4.3. Иштирокчиларни нарх қисмига оид таклифлари техник қисмга оид таклифлари техник хусусиятларига доир талаблар мос бўлган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

4.4. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қилади.

4.5. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

4.6. Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

4.7. Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати тижорат таклифи кўрилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

4.8. Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

4.9. Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

4.10. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

4.11. Иштирокчиларни таклифлари жўнатилган техник ва нарх қисмига оид тижорат таклифларини кўриш жараёни буюртмачи томонидан электрон тарзда амалга оширилади.

4.12. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

4.13. Иштирокчиларнинг таклифлари харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

4.14. Малака танловидан ўтган иштирокчиларни техник ва нарх қисмига оид таклифларини очиш харид комиссияси мажлисида икки босқичда амалга оширилади.

4.15. Биринчи босқичда иштирокчи таклифининг техник қисми баҳоланади. Танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш тўғрисида харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилиб, унда танлашнинг биринчи босқичини баҳолаш натижалари кўрсатилади.

4.16. Келиб тушган таклифларни харид комиссияси баҳоланиши мумкин.

4.17. Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасига мувофиқ баҳолайди ва биринчи босқичдан ўтган иштирокчилар аниқланади ва бўйича харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

4.18. Танлашнинг биринчи босқичи ғолиблари танлашнинг иккинчи босқичига кўйилади.

4.19. Танлашнинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг танлаш таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада танлашнинг иккинчи босқичи ғолиби аниқланади. Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

4.20. Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш таклифининг нарх қисмига оид ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

4.21. Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

4.22. Харид комиссияси иштирокчиларни нархга оид таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 12-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва иккинчи босқичдан ўтган иштирокчиларни аниқлайди ва харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

4.23. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифлари тақдим этилган техник ҳужжатларга асосан комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқиб баҳоланади, 2 чи босқичда нарх томонларни эса автоматик тарзда etender.uzex.uz платформаси томонидан баҳоланади (харид қилиш ҳужжатларини 10-иловаси).

4.24. Биринчи ва иккинчи босқич натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

4.25. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

4.26. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади(9-илова). Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

4.27. Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.28. Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг 3 кун мобайнида қайтарилади.

4.29. Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг 3 кун мобайнида қайтарилади.

**1 босқич. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.**

Танлаш таклифларининг техник қисмга оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Техник баҳолашдан ўтмаган (балл бериш яқунлари бўйича 0 балл олган) танлаш таклифлари кейинги босқичга қўйилмайди.

*Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.*



**2 босқич. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш**

Харид комиссияси томонидан техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг, танлаш таклифининг нарх қисмига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

*Нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан баҳоланади.*

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх		Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади.
2.	Тўлов шартлари		Харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлиши лозим.
3.	Етказиб бериш муддати		Бунда, белгиланган муддатдан кўп муддат кўрсатилган таклифлар рад этилади.

**ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ**

Т/р	Мезон номи	Тўплаган бали	Ошириладиган миқдори	Танлов иштирокчиси номи		
1.	Техник жиҳатдан баҳолаш натижаси	70				
2.	Нарх жиҳатдан баҳолаш	30				
Жами баллар						

## **VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби**

5.1. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

5.2. Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

5.3. Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортгани мумкин.

5.4. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 11-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
11-илова

### **VI-боб. ШАРТНОМА ШАКЛИ -сонли шартнома**

Ўзбекистон Республикаси \_\_\_\_\_ тўғрисида

Тошкент шаҳри

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ номидан низом асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси номидан низом асосида \_\_\_\_\_ иш юритувчи \_\_\_\_\_, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

#### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ хизматини кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

#### **II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### **III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдориди жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгил бўлмас куч таъсирида зарар этказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида этказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Ушбу шартнома ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## ХІ. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Р/с: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_

Р/с: \_\_\_\_\_

Л/с: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1		_____	_____

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Р/с: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Р/с: \_\_\_\_\_

Л/с: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
вазири  
Д. Кучкаровга

## БИЛДИРИШНОМА

2021 йил вазирлик тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича тасдиқланган “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” доирасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида, тизим ходимлари ўртасида маънавий-маърифий тадбирларга бўлган қизиқиш ва талаб ортди, “**Биз бир жамоамиз!**” шиори остида ягона жамоавий руҳият шаклланди, мазкур йўналишдаги ишлар тизимли йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишида Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги bosқичга олиб чиқиш вазифалари илгари сурилган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, 2022 йилда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларни янги bosқичга олиб чиқиш бўйича “**ЙЎЛ ХАРИТАСИ**” тайёрланди. (1-илова)

“Йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан **292,00 миллион** сўм миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. (2-илова)

Ушбу маблағлар: “Иқтисодий атамаларнинг изоҳли луғати” китобини тайёрлаб чоп этиш; вазирлик кутубхонаси негизида Ёшлар марказини ташкил этиш; ходимларда китобхонлик маданиятини юксалтириб, уларнинг “Маънавий индекси”ни шакллантириш орқали жамоавий руҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган тренинг ва танловлар ўтказишга йўналтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз муддатида ижросини таъминлаш мақсадида, мазкур “Йўл харитаси”ни тасдиқлаб, кўрсатилган маблағларни белгиланган тартибда ажратилишига рухсат беришингизни сўраймиз.

О. Маҳмудов

(А. Раҳимов)

(А. Мақсумов)

(О. Раҳимов)

*Маърифат ва  
Иқтисодий таракқиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
вазирлигининг биринчи ўринбосари  
С. Холхўжаевга*

Иқтисодий таракқиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
вазирлигининг биринчи ўринбосари  
С. Холхўжаевга

### БИЛДИРГИ

2022 йилида Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича **“Чора-тадбирлар дастури”** тайёрланган.

Ушбу дастурнинг 20-бандида вазирлик ходимларини **“Ватан ичра саёҳат”** лойиҳаси доирасида республика бўйлаб зиёратгоҳ жойларга саёҳатга юбориш назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2022 йилнинг II ярим йиллигида Вазирлик тизим ташкилотларининг 180 нафар ходимини Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига юбориш режалаштирилмоқда.

Тахминий ҳисоб китобларга кўра вилоятлараро саёҳат харажатлари:

№	Шаҳар номи	Бир нафар ходим учун	Ходимлар сони	Умумий сумма
1	Самарқанд	1 000 000,00	60 нафар	60,0 млн
2	Бухоро	1 200 000,00	60 нафар	72,0 млн
3	Хива	1 800 000,00	60 нафар	132,0 млн
Жами			180	240,0 млн

Юқоридагиларни инобатга олиб Иқтисодий таракқиёт вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **“Ватан ичра саёҳат”** дастурига 240,0 млн.сўмни ўрнатилган тартибда **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги ЎРҚ-684 Қонунга мувофиқ махсус ахборот портали орқали амалга ошириш учун рухсат беришингизни сўраймиз.

Кўриб чиқишингиз учун киритилмоқда.

О. Махмудов,

Вазир маслаҳатчиси в.в.б.,  
Ахборот, таҳлил ва ҳужжатларни  
коррекциялаш бўлим бошлиғи.